



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 31 » avgust № 484

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга оширилган ички саёҳатлар харажатларининг бир қисмини қайтариб бериш тизимини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ–232-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиз худуди бўйлаб саёҳат қилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ–232-сон қарорига мувофиқ:

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун республика худудларида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш (кейинги ўринларда – саёҳат харажатларини қайтариш) тартибининг жорий этилиши белгиланганлиги;

саёҳат харажатларини қайтаришни молиялаштириш учун республика бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан **30 млрд сўм** маблағ Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга оширилган ички саёҳатлар харажатларининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисида** низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

саёҳатлар харажатларини қайтаришни, шунингдек, саёҳат қилувчиларга тақдим қилинадиган чегирмалар ва тайёр туристик пакетларни мустақил шакллантиришни назарда тутувчи электрон платформада (кейинги ўринларда – Платформа) рўйхатдан ўтиш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби;

саёҳатлар харажатлари қайтариладиган туризм хизматларининг турлари;

саёҳатлар харажатларини қайтариш миқдорлари, муддати ва қайтариш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан Платформа орқали саёҳатлар харажатларини қайтариш талаблари бажарилишининг мониторинг қилиниши.

3. Белгилансинки:

а) **2023 йилдан бошлаб** ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида саёҳат харажатларини қайтаришнинг навбатдаги босқичларини молиялаштириш учун Жамғармага маблағлар ажратилиши назарда тутилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Туризм ва маданий мерос вазирлиги Платформани узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, саёҳат харажатларини Платформага киритиш шартларини бузган фуқароларнинг Платформадан фойдаланишини чеклаш, шунингдек, улар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш чораларини кўради;

в) саёҳат харажатларининг бир қисми улар мазкур қарорда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ойдан **кейинги ойнинг йигирма бешинчи санасига қадар қайтарилади;**

г) Платформага хизмат кўрсатиш, унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш Жамғармага саёҳат харажатларини қайтариш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Транспорт вазирлиги ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги билан биргаликда:

“Uztrans” ягона интерактив ахборот тизими, бошқа йўловчи ташиш лицензиясига эга ташкилотларнинг электрон чипталарни харид қилиш порталлари, шунингдек, жойлаштириш воситаларида яшовчиларни электрон шаклда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастурини Платформа билан интеграция қилиш ва доимий равишда узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш чораларини кўрсин;

харид қилинган барча авиа, темирйўл ва шаҳарлараро автобус чипталари ҳамда жойлаштириш воситаларига келган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни онлайн режимида олиш имкониятини яратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга:

2023 йил 1 февралга қадар саёҳат қилувчиларга харажатларининг бир қисмини қайтариш учун уларнинг асослилиги ҳамда ажратилган маблағлардан фойдаланилиши юзасидан 2022 йил якуни бўйича ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдухақимов ва давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 31 августдаги 484-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга оширилган ички саёҳатлар
харажатларининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан (кейинги ўринларда – турист) республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш (кейинги ўринларда – саёҳат харажатларини қайтариш) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтов ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа объектлар, шунингдек, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

маданият ташкилотлари – моддий маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар, кинотеатрлар, бадий галереялар (кўргазмалар), кўргазма заллари ва цирклар;

QR-кодли чек – сотилган товарлар (бajarилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги фискал белгили чек;

Платформа – “Soliq” мобил иловасидаги саёҳат харажатларини қайтариш, шунингдек, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида тақдим қилинадиган чегирмалар, тайёр туристик пакетларни мустақил шакллантиришни назарда тутувчи электрон тизим.

3. Туристларга саёҳат харажатларини бир қисмини қайтаришни молиялаштириш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилади.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги саёҳат харажатларини бир қисмини қайтариш учун ажратилган маблағларни Давлат солиқ қўмитасининг талабномасига асосан махсус очилган ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

4. Давлат солиқ кўмитаси туристларга саёҳат харажатларини қайтаришни Платформа орқали ушбу Низомнинг 5 ва 6-бандлари талаблари асосида амалга оширади.

2-боб. Саёҳат харажатларини қайтариш шартлари ва миқдорлари

5. Саёҳат харажатларини қайтариш ҳар бир турист томонидан Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш давомида бир вақтнинг ўзида қуйидаги туризм хизматларидан фойдаланган тақдирда амалга оширилади:

авиа, темир йўл ва (ёки) автобус транспортдан фойдаланиш;
жойлаштириш воситалари хизматларидан фойдаланиш;
саёҳат давомида камида бир марта маданият ташкилотларига ташриф буюриш.

6. Саёҳат харажатларини қайтариш ҳар бир туристга қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

авиақатнов орқали бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, лекин 150 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

темирийўлда ёки автобусда бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

жойлаштириш воситасида тунаб қолиш харажатининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

маданият ташкилотларига ҳар бир ташриф чиптаси нархининг 50 фоизи, лекин 20 минг сўмдан ошмаган миқдорда.

7. Саёҳат харажатларини қайтариш маҳсулотларнинг (товар ва хизматларнинг) ягона электрон миллий каталогига мавжуд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатдаги хизматлар учун амалга оширилади.

8. Саёҳат харажатлари туристларга бир ой давомида бир мартаба амалга оширилган саёҳатлар учун қайтарилади.

9. Кейинги саёҳатларни рўйхатга олиш учун охириги ҳисобга олинган чекдан бир ой ўтган бўлиши керак.

3-боб. Платформадан фойдаланиш ва саёҳат харажатларини қайтариб олиш тартиби

10. Туристларга саёҳат харажатларини қайтариш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Туристлар саёҳат харажатларини қайтариш учун Платформани “Google PlayMarket” ёки “ApStore” интернет дўконидан мобил алоқа воситасига юклаб олади.

Платформани мобил алоқа воситасига юклаб олгандан сўнг, Платформада:

“Саёҳат учун кэшбек” тугмасини босиш орқали иловага кирилади; саёҳат йўналиши, бориш ва келиш саналарини киритиш орқали саёҳат бошланганлиги тасдиқланади.

12. Туристлар Платформада қуйидагиларни:

бориш ва (ёки) келиш учун харид қилинган авиа, темирйўл ва (ёки) шаҳарлараро автобус чипталари учун берилган QR-кодли чекларни;

маданият ташкилотларига кириш чиптаси учун берилган QR-кодли чекларни;

жойлаштириш воситалари хизматларидан фойдаланганлиги учун тўловига берилган QR-кодли чекларни рўйхатдан ўтказилади.

13. Платформада рўйхатдан ўтказилган QR-кодли чеклар бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ–5252-сон қарорига мувофиқ 1 фоиз миқдорида “кешбек” ҳисобланишига ҳамда мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ саёҳат харажатлари қайтарилишига асос ҳисобланади.

14. Саёҳат муддати тугаши билан Платформада рўйхатга олинган QR-кодли чеклар автоматик тарзда ҳисобланади. Шунингдек, турист махсус тугмани босиш орқали ўзи белгилаган муддатидан аввал саёҳатни тугатиш имкониятига эга.

4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Давлат солиқ қўмитаси саёҳат якуни билан кейинги ойнинг **5-санасига қадар** рўйхатдан ўтказилган чекларни текшириб, улардаги суммалар ҳисоб-китобини амалга оширади.

16. Саёҳат харажатларини қайтариш шартлари тўғри бажарилганлиги натижаси бўйича йиғилган маблағлар Платформа орқали амалга оширилган саёҳатлар учун унинг якуни билан кейинги ойнинг **25-санасига қадар** туристларнинг шахсий банк карталарига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтарилади.

Бунда, Давлат солиқ қўмитаси оператори ҳисобига тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, банк комиссияси харажатларини қоплаш ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш функцияларини бажарганлик учун ҳисобланган саёҳат харажатларини қайтариш суммасининг 1,5 фоизига тенг миқдорда комиссия ушлаб қолинади.

17. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги тегишли ахборот тизимлари орқали чегирмалар олиш ва саёҳат харажатларини қайтариб олиш талаблари бажарилишини доимий назорат ва мониторинг қилади.

19. Белгиланган тартибни бузган (бузишда гумон қилинган) туристларнинг Платформадан фойдаланишига чеклов (вақтинча чеклов) ўрнатилади.

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.



Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга
оширилган ички саёҳатлар
харажатларининг бир қисмини қайтариш
тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Ўзбекистон Республикаси бўйлаб амалга оширилган ички саёҳатлар
харажатларининг бир қисмини қайтариш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Турист	“Soliq” платформасини “Google PlayMarket” ёки “AppStore” интернет дўконидан мобил телефонига юклаб олади.	Саёҳат бошланишидан олдин
2-босқич	Турист	“Саёҳат учун кэшбек” тугмасини босиш орқали иловага кирилади, саёҳат йўналиши, бориш ва келиш саналарини киритиш орқали саёҳат бошланганлигини тасдиқлайди.	Саёҳат бошланганда
3-босқич	Турист	Бориш ва (ёки) келиш учун харид қилинган авиа, темирйўл ва (ёки) шаҳарлараро автобус чипталари учун, маданият ташкилотларига кириш чипталари учун ҳамда жойлаштириш воситалари хизматларидан фойдаланганлиги учун тўловига берилган QR-кодли чекларни Платформада рўйхатдан ўтказди.	Саёҳат давомида, унинг якунига қадар
4-босқич	Турист	Саёҳат муддатини тугатиши билан Платформада рўйхатга олинган QR-кодли чеклар автоматик тарзда ҳисобланади. Шунингдек, турист махсус тугмани босиш орқали ўзи белгилаган муддатидан аввал саёҳатни тугатиш имкониятига эга.	Саёҳатни якунлаш
5-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Саёҳат якуни билан рўйхатдан ўтказилган чекларни текшириб, улардаги суммалар ҳисоб-китобини амалга оширади.	Саёҳат якуни билан кейинги ойнинг 5-санасига қадар
6-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Саёҳат харажатларини қайтариш шартлари тўғри бажарилганлиги натижаси бўйича йиғилган маблағларни Платформа орқали амалга оширилган саёҳатлар учун унинг якуни билан ушбу Низомнинг 6-банди талаблари асосида туристларнинг шахсий банк карталарига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ўтказиб беради.	Саёҳат якуни билан кейинги ойнинг 25-санасига қадар